



Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида Ўзбекистон Республикасининг «Геодезия ва картография тўғрисида»ги қонунининг ижроси юзасидан Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раисининг ахбороти эшитилди.

Қонун ижроси парламент назоратида

Мамлакатимизда саноат, транспорт, қурилиш, энергетика, туризм каби соҳаларнинг жадал ривожланиши геодезия хизматлари ва картография маҳсулотларига бўлган талабни оширмоқда.

«Геодезия ва картография тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар, Президентимиз фармонлари, ҳукумат қарорлари ҳамда қонуности ҳужжатлари геодезия ва картография соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш учун ҳуқуқий база бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз ҳудудларининг мукамал хариталарини график, рақамли, фотографик ва бошқа шаклларида яратиш, янгилаб туриш ва нашр қилиш ишлари мунтазам амалга оширилмоқда. Бу иқтисодиёт тармоқларининг турли соҳалари талабидан келиб чиқиб, ердан фойдаланувчилар, ҳудудларни харитага тушириш, шаҳарсозлик, муҳофаа, геология конлари мониторингини амалга оширишда кўл келмоқда. Умумий географик, сиёсий-маъмурий, илмий-ахборот берадиган ва бошқа тармоқлараро аҳамиятга молик мавзули харита ва атласлар, ўқув картография қўлланмалари тайёрланиб, нашр этилмоқда.

Ҳозир таълим муассасалари учун атлас ва контур хариталар, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларнинг умумий географик ва сиёсий-маъмурий хариталари яратилди. Юртимизнинг диққатга сазовор жойлари, ёдгорликлар ва бошқа объектлар тасвирланган туристик хариталар ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилмоқда. Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон Республикасининг географик атласи» янги таҳрирда нашр этилди.

— Геодезия ва картография ишларини ўз вақтида рўйхатдан ўтказишни амалга оширмаслик, бажарилган ишлар тўғрисида техник ҳисоботлар ва геодезик пунктлар ҳолати тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаслик, геодезик асбоб-ускуналарни метрологик кўрикдан ўтказиш нормаларини бузиш ҳолатлари учрамоқда, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шухрат Турсунбоев**. — Хусусан, 2015 йил ва жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ўтказилган режали текширувларнинг аксариятида камчиликлар аниқланган. Жумладан, «Гулистон сув лойиҳа», «Сурхон кафолат лойиҳа», «Бухоро йўл лойиҳа» масъулияти чекланган жамиятлари фаолиятида норматив-техникавий ҳужжатлар талабларига риоя этилмаган ҳолатлар кузатишди.

Эшитувда Ўзбекистоннинг умумжаҳон геодезия тармоғига кириш имкониятини яратадиган, миллий манфаатлардан келиб чиқадиган янги давлат геодезик йўлдошли тармоғини яратиш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, амалдаги қонуннинг айрим нормалари геодезия ва картографияга оид фаолиятни ташкил этиш, бошқариш ва ривожлантиришнинг замонавий талабларидан оғзада қолаётганлиги, уни такомиллаштириш зарурлиги тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Эшитув якунлари бўйича қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири.



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

«БИЗ ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ»

Пойтахтимизда 10-13 август кунлари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишлаб «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шiori остида «Истиқлол фарзандлари» ёшлар фестивали ўтказилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Ниҳол» мукофоти, «Ўзбекистон белгиси» кўрак нишони соҳиблари, фан олимпиадалари, халқаро танловлар ва спорт мусобақаларида ғолибликни қўлга киритган иштирокчилар Олий Мажлис

Қонунчилик палатасига ташрифи чоғида айрим ёшларнинг таассуротлари билан қиздик.

— Ҳудди спорт ареналарида тургандек ҳаяжонданман, — дейди **карате бўйича Осиё чемпиони самарқандлик Садокат Фозилова**.

— Мустақиллик даврида қўрилган бундай буюк иморатлар ўзини Ўзбекистон фарзанди ҳисоблаган ҳар бир йигит-қиз қалбини фахр-ифтихорга тўлдириши табиий. Бу мухташам қоша мисолида юртимизнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари, юксак салоҳияти, маънавий қудрати, шунингдек, бунёдкор

халқимизнинг яратиш яшашга бўлган иштиёқини яққол тасаввур этдим.

Бу ерда Қонунчилик палатаси депутатлари билан учрашиш мен учун яна бир қувончли воқеа бўлди.

— Февраль-март ойларида Таиландда ўтказилган жаҳон чемпионатида комбат айқидо бўйича ғолиб бўлдим, — дейди **навоийлик Шахзода Эркинова**. — Совринни қўлга олаётган, мадҳиямиз янграётган пайтдаги ҳаяжонимни сўз билан ифодалаб беролмайман. Кўзимда ёш, кўнглим тубида «Мен Ўзбекистон фарзандиман!» деган ҳайқирқ бор эди.

Юртимизда ёшларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши учун барча имкониятлар мавжуд. Таълим ва спорт соҳаларини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам замонавий талабларга жавоб берадиган шарт-шароитлар яратилган. Биз бундай ғамхўрликдан хурсандмиз.

— Мен бахтлиман, дея баралла айта оламан, — дейди **оҳангаронлик Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Зулхаё Раимкулова**. — Чўнқи озод ва ҳур Ватанда яшайман! Ўзбекистон давлат консерваторияси талабасиман. Истиқлолни бор овозим билан қўйлашга, юртим санъатини жаҳонга танитишга тайёрман.

Республикамизда ёшларнинг нафақат мукамал билим эгаллаши, айни вақтда муайян мутахассисликка эга бўлиб, жамиятда муносиб ўрин топиши учун улкан ишлар амалга оширилаётганини ҳар биримиз ўз ҳаётимиз мисолида кўриб турибмиз. Бугун янгилаб дунёқараш, қатъий ишонч ва эътиқодга эга, мустақил фикрлайдиган, Ватанимизнинг равнақида муносиб ҳисса қўшишга интиладиган ёшлар сафи тобора кенгайиб бораётгани фикримиз тасдиғидир.

— 2003 йилдан буён «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан топшириб келинаётган «Ўзбекистон белгиси» кўрак нишони ҳам юртимизда ёшларга кўрсатилаётган юксак ишонч ва эътиборнинг яна бир ёрқин намунасидир, — дейди **«Ўзбекистон белгиси» кўрак нишони соҳиб наманганлик Сардор Рустамов**. — Ўтган йили мен ҳам бу мукофотга лойиқ топилдим. Наманган давлат университети магистратурасида таҳсил оляман. Мақсадим — ёшларга замонавий билим берадиган педагог бўлиб етишим.

Фестиваль қатнашчиларининг қай бири билан суҳбатлашмайлик, уларнинг бarchаси буюк юрт фарзанди эканидан фaхрланишимиз, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг давомчилиги бўлишга тайёр эканини ҳис қилдик.

Гулрух ОДАШБОЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СЎЗ — ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИГА

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланади

«Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган ушбу ҳужжат лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кенг муҳокама қилинди.

Айтиш керакки, қонун лойиҳаси биринчи бор ички ишлар органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яхлит тизимга келтирмоқда. Шунингдек, ички ишлар органларининг ташкилий

тузилмалари, уларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрни ҳамда ролини белгилаб бермоқда. Қонун лойиҳасида ички ишлар органларининг асосий вазифалари, фаолияти йўналишлари, принциплари ҳамда уларнинг воқолат ва мажбуриятлари, шунингдек, ушбу идораларда хизмат ўташ тартиби ва шартлари, ходимларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси муҳассамлашмоқда.

2

Давлат дастури доирасида 301,2 миллиард сўм маблағ сарфланди

Жиззах вилоятида «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида вилоятнинг қишлоқ ҳудудларида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт муассасалари қуриш, таъмирлаш ва уларни замонавий жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда Зафаробод тумани тиббиёт бирлашмасининг болалар бўлими ва туғруқ мажмуаси капитал реконструкция

қилинмоқда. 1 миллиард 700 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилган иншоотда даволаш, таъхис қўйиш ва профилактика тадбирларини амалга ошириш учун барча қўлайликлар яратилди.

Давлат дастури асосида

вилоятда янгидан қурилаётган ва реконструкция қилинаётган 10 умумтаълим мактаби, 5 касб-ҳунар коллежи, 8 болалар спорт иншоотини август ойида, 8 тиббиёт муассасасини октябрь ойида фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Ўз мухбиримиз.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

ЁШЛАР БИЛАН СУҲБАТ

Пойтахтимиздаги Турин политехника университетида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорлигида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан давра суҳбати ташкил этилди.

Ўзбекистон халқ артисти Т.Юсупова, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Н.Йўлдошова ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг пухта билим олиши, замонавий касб-ҳунарларни эгаллаш, ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб вояга етишига катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ёш авлод тарбиясида, уларга пухта билим бериш, тафаккури ва дунёқарашини тўғри шакллантиришда янги босқични бошлаб берди.

Давра суҳбатида мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларга яратилган кенг имкониятлар, улар қўлга киритаётган ютуқлар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ёш оилалар билан интерфаол ўйинлар ташкил этилди. Бунда иштирокчилар белгиланган вақт ичида «Ойлангизнинг бахт формуласи», «Бахт индекси нима?», «Ёшлиқнинг олтин қойдаси» каби саволлар доирасида ўз лойиҳаларини ишлаб чиқиб, тақдим этди.

Ш.МАМАТУРОВА,
ЎЗА мухбири.

СЎЗ — ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИГА

■ БАТАНИМИЗ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
25 ЙИЛЛИГИ
ОЛДИДАН

НУРОНИЙЛАР МАМНУН

Наманган вилоятида
Ўзбекистон Халқ демократик
партияси ташаббуси
билан «Кучли ижтимоий
ҳимоя — асосий мақсадимиз»
акцияси ўтказилмоқда.

Президентимизнинг шу
йил 2 июндаги «Ўзбекистон
Республикаси давлат мустақиллигининг
йигирма беш йиллик байрамига ташаббуси
билан кўриш ва уни ўтказиш
тўғрисида»ги қарори ижроси
доирасида вилоят ҳокимлиги,
«Маҳалла» хайрия жамоат
фонди, «Нуроний» жамғармаси
вилоят бўлими ва бошқа ташкилотлар
ҳамкорлигида ташкил этилаётган
акция тадбирларида партиянинг
тарғибот гуруҳи аъзолари,
маҳаллий Кенгашлар депутатлари,
партия бошланғич ташкилотлари раислари,
журналистлар, ёшлар иштирок
этмоқда.

— Мамлакатимизда кучли
ижтимоий сиёсатни амалга
оширишда фуқаролик жамия-
тининг барча институтлари
қатори партиямиз ҳам фаол
қатнашмоқда, — дейди **Ўзбекистон
Халқ демократик партияси Наманган вилоят
кенгаши раиси Дилором Абдурахимова**. — Аҳолининг
ижтимоий муҳофазага муҳтож
қатлами моддий ва маънавий
қўллаб-қувватлаш партиямиз
дастурининг асосий йўналишларидан
биридир. Акция доирасида мустақил-
лик йилларида юртимизда
рўй бераётган улкан ўзгариш
ва янгиланишлар кенг тарғиб
қилинмоқда, ҳамкор ташкилотлар
билан кам таъминланган,
боқувчисини йўқотган оилалар
ва ногиронлар ҳолидан хабар
олинмоқда.

Наманган шаҳрида ўтказилган
акцияда партия фаоллари
ҳамкор ташкилотлар вакиллари
билан шаҳарнинг Бўстон, Илғор
маҳаллаларида истиқомат қилаётган
ёши улуг инсонлар хонадонида
бўлиб, нуронийларни энг улуг,
энг азиз байрам билан
мубаракбод этиб, совғалар
топширди.

— Ёшим 90 га борди, —
дейди халқ таълими фахрийси
Ойшахон Мажидова. — Катта
ҳаётий тажрибамдан келиб
чиқиб айтаманки, инсон
учун озодликдан, тинчлик
ва меҳр-оқибатдан улугроқ
нечма не йўқ. Шундай кунларга
етказганига шукур. Биз,
кексаларга доимий эътибор
ва ғамхўрлик кўрсатаётган
Президентимиздан беҳад
миннатдоримиз.

Акция доирасида корхона,
ташкилот ва таълим муассасаларида
«Гўзал ва бетакроримсан,
муқаддас Ватаним, жоним
сенга фидо, Ўзбекистоним!»
шиори остида турли маданий-
матрифий тадбирлар ташкил
этилмоқда.

А.САТТОРОВ,
ЎЗА мухбири.

■ Ўзбекистон ХДП фракцияси ички ишлар органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланишини долзарб ижтимоий аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди.

Ички ишлар органлари

фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланади



Рустам КОМИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг
Мудофаа ва ҳавфсизлик
масалалари қўмитаси
раиси:

— Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг
туб моҳиятида ҳуқуқий демократик давлат қуриш гоёси
ётади. Бу борадаги энг муҳим талаблардан бири қонун
устуворлигини таъминлашдан иборат. Бойси, қонунга ит-
оат қилинган жойда тартиб-қонда бўлади, жамият тинч-
лиги ва ҳавфсизлиги муҳофаза этилади, фуқароларнинг
ҳуқуқлари амалга ошади, қонуний манфаатлари ҳимоя
қилинади.

Ҳуқуқни муҳофаза қи-
лувчи органлар, хусусан,
ички ишлар тизими фао-
лияти бу жараёнда муҳим
аҳамият касб этади. Бир сўз
билан айтганда, юртда
тинчлик, оқилоллик
ҳукм суриши, фуқаролар
ҳавфсизлиги, ҳуқуқ ва эр-
кинликларни таъминлашни
кўп жиҳатдан ушбу соҳа
фаолиятига боғлиқ.

Шунинг учун ички иш-
лар органлари фаолиятини
тартибга солувчи қонунчи-
ликдаги ҳуқуқий бўшлиқни
тўлдириш зарурати туғилди.
Президентимиз Конститу-
циямиз қабул қилингани-
нинг 23 йиллигига бағиш-
ланган тантанали маросим-
даги маърузасида бутунги
кунгача ички ишлар ва
ҳуқуқ-тартибот органлари
фаолиятини тартибга сола-
диган қонун йўқлигини,
мазкур органларнинг, бир-
инчиси навбатда, қонун ус-
туворлигини таъминлаш,
фуқароларнинг ҳуқуқ ва эр-
кинликларини ишончли
ҳимоя қилиш борасидаги
мақоми, фаолият шакли ва
усулларини аниқлаштириш
ҳамда уларга тузатишлар
киритиш зарурлигини таъ-
кидлаган эди.

Шунга мувофиқ, «Ички

ишлар органлари тўғриси-
да»ги қонун лойиҳаси иш-
лаб чиқилди. Вазирлар
Маҳкамаси томонидан ки-
ритилган ушбу ҳужжат ло-
йиҳаси Олий Мажлис Қо-
нунчилик палатасида кенг
муҳокама қилинди.

Айтиш керакки, қонун
лойиҳаси биринчи бор ички
ишлар органлари фаолиятининг
ҳуқуқий асосларини
яшил тизимга келтир-
моқда. Шунингдек, ички
ишлар органларининг ташки-
лий тузилмалари, уларнинг
жамият ва давлат ҳаётида-
ги ўрни ҳамда ролини бел-
гилаб бермоқда. Қонун
лойиҳасида ички ишлар
органларининг асосий ва-
зифалари, фаолияти йўна-
лишлари, принциплари
ҳамда уларнинг ваколати
ва мажбуриятлари, шунингдек,
ушбу идораларда хизмат
ўташ тартиби ва шартлари,
ходимларнинг ҳуқуқий ва
ижтимоий ҳимояси мужа-
саслашмоқда.

Қонун лойиҳасини иш-
лаб чиқишда халқаро таж-
риба чуқур ўрганилган. Ху-
сусан, АКШ, Буюк Брита-
ния, Германия, Канада, Ав-
стралия, Россия, Молдова-
нинг полиция тўғрисидаги
қонунлари, Франция, Ита-

лия, Норвегия, Польша,
Греция, Чехия, Жанубий
Корея давлатларидаги ички
ишлар органлари фаолиятининг
ташкиллий-ҳуқуқий
механизми таҳлил этилган.

Ўзбекистон ХДП фрак-
цияси ички ишлар органла-
ри фаолиятининг ҳуқуқий
асослари мустаҳкамланиши-
ни долзарб ижтимоий аҳа-
миятга эга, деб ҳисоблай-
ди. Чунки фуқароларнинг
қонуний манфаатлари, ҳу-
қуқлари таъминланиши,
бунда қонун устуворлиги та-
моийлига риоя қилиниши
фракциямиз учун принци-
пал масалалардан бири ҳи-
собланади.

Партиямиз Сайловолди
дастурида фуқароларнинг
қонуний ҳуқуқлари ва ман-
фаатларини таъминлаш,
ҳуқуқ-тартибот ислохотла-
рини такомиллаштириш

ий муҳофазасини кучайти-
риш йўналишлари билан
боғлиқдир.

Қонун лойиҳасида ички
ишлар органларининг
ҳуқуқий мақоми, асосий ва-
зифалари ва ваколатлари
белгиланмоқда. Унга кўра,
шахсларни ижтимоий ҳавф-
ли ҳуружлардан ҳимоя
қилиш, шу билан бирга,
ички ишлар органлари хо-
димларининг ҳуқуқий масъ-
улиятини кучайтириш ма-
салалари кўзда тутилган.

Бундан ташқари, унда
тизим ходимларини ижти-
моий ва ҳуқуқий ҳимоялаш
чоралари, фуқаролар томо-
нидан ички ишлар органла-
ри ходимларининг ноқо-
нуний ҳаракатлари устидан
шикоят қилиш тартиби
мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Ички ишлар органлари-
нинг ижро ҳокимияти ти-

мат қилиш ва унга риоя
қилиш, очиқлик ва шаф-
фолик каби тамойиллар
аниқ юридик мазмун билан
тўлдирилган.

Фракциямиз аъзолари-
нинг фикрича, ички ишлар
органлари ходимларининг
ижтимоий ва ҳуқуқий ҳи-
моясини таъминлашга ба-
ғишланган нормалар алоҳи-
да эътиборга лойиқдир.

Қонун лойиҳасига муво-
фиқ, ИИВ тиббиёт идора-
ларида бепул тиббий ёрдам
кўрсатиш, ходимнинг хиз-
мат мажбуриятини бажари-
ш билан боғлиқ мулкрий
зарарни қоплаш, барча тур-
даги транспорт воситалари-
га навбатдан ташқари йўл
ҳужжатларини олиш, имти-
ёзли пенсия таъминоти,
давлат сугуртаси ва бошқа
имтиёзлар билан боғлиқ
моддалар қонун лойиҳаси-
нинг ижтимоий аҳамияти-
ни оширади.

Бундан ташқари, ички
ишлар органлари ходимла-
рига турар жой ижараси
учун пуллик компенсация
тўланиши, Вазирлар Маҳ-
камаси томонидан белги-
ланган тартибда имтиёзли
узоқ муддатли ипотека
кредитларидан фойдалани-
б, квартира ва яхка тар-
тибдаги уй-жой қуриш
учун ер участкалари олиш
ҳуқуқи берилиши соҳа ва-
килларининг ўз хизмат ва-
зифаларини янада самара-
ли бажаришларида ва
уларнинг оила аъзолари
учун қулай турмуш шаро-
итини яратишда муҳим
омил бўлади.

«Ички ишлар органлари
тўғрисида»ги қонуннинг
қабул қилиниши, биринчи
навбатда, қонун устуворли-
гига риоя этиш, фуқаролар-
нинг ҳуқуқ ва эркинликла-
рини ишончли ҳимоялаш,
юртимиздаги тинч ва осуда
ҳаётни мустаҳкамлашга хиз-
мат қилади.

Фракциямиз аъзоларининг

фикрича, ички ишлар органлари
ходимларининг ижтимоий ва
ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга
бағишланган нормалар алоҳида
эътиборга лойиқдир.

йўналишларига алоҳида
эътибор қаратилган. Шун-
дан келиб чиқиб, фракция-
миз қонун лойиҳасини му-
тахассислар иштирокида
ҳар томонлама чуқур ўрга-
ниб чиқди ва айрим маса-
лаларга алоҳида эътибор
қаратди.

Яъни, булар ички иш-
лар идоралари фаолиятини
ривожланган мамлакатлар
эришган даражага кўтариш,
соҳа ходимларига моддий-
техник нуқтаи назардан
кулайликлар яратиш, шу-
нингдек, уларнинг ижтимо-

зимидаги ўрни, тизимга
хизматга қабул қилиш ва
уни ўташнинг умумий
шартлари ва қоидалари,
ходимларни ижтимоий ва
ҳуқуқий ҳимоялаш чорала-
ри акс эттирилган норма-
лар замон руҳига ҳам-
ҳанглир.

Алоҳида таъкидлаш
жоизки, қонун лойиҳасида
ички ишлар органлари
фаолиятининг тамойиллари
сифатида умуминсоний
қадриятлар мустаҳкам-
ланган. Хусусан, қонуний-
лик, бирлик, ҳуқуқни ҳур-

■ КҮРИҚ-ТАНЛОВ

ПАРТИЯМИЗНИНГ ЭНГ ФАОЛ АЁЛИ

кўрик-танловининг дастлабки босқичи бошланди

**Кучли фуқаролик жамия-
ти шаклланишида хотин-
қизлар фаоллиги ошиши,
уларнинг ҳуқуқ ва эркин-
ликлари таъминланиши
муҳим масала ҳисоблана-
ди. Шу маънода, партия-
миз тизимида ўтказиб
келинаётган «Ўзбекистон
ХДПнинг энг фаол аёли»
кўрик-танловининг аҳамия-
ти катта бўлапти.**

Кўрик-танловнинг бу йилги тўман,
шаҳар босқичи «Ташаббус ва гоёла-
римиз мустақил Ўзбекистон тарақ-
қиёти учун!» шiori остида истиқ-
лолимизнинг 25 йиллиги арафаси-
да бошланди.

Кўриқ кеча танловнинг Кўшкўпир
тўман босқичи бўлиб ўтди ва унда
иштирокчилар «Лойиҳа тақдимоти»,
«Қонунларимиз ҳаётиимиз асосидир»,
«Сиёсий ҳозиржавоблик» каби шарт-
лар бўйича билимини синовдан
ўтказди.

— Танлов орқали ўзимизни
уйлантираётган масалалар бўйича
қонунчиликка тақлифлар бериш им-
кониятига эга бўлдик, — дейди иш-
тирокчи **Сурайё Дўсмонова**. — Бу
ерда олган билим ва кўникмалари-



миз келгуси фаолиятимизда қўл
келади, деб ўйлайман.

Танлов натижаларига кўра,
Илмира Ҳазратова учинчи, Шахло
Аллаберганова иккинчи ўринни эгал-
лади. Сурайё Дўсмонова биринчи
ўринни қўлга киритиб, вилоят бос-
қичига йўлланма олди.

Танловнинг Фарғона тўман бос-
қичида 8 нафар иштирокчи қатнаш-
ди ва унда 49-умумий ўрта таълим

мактаби ўқитувчиси **Моҳира Пўла-
това** голиб бўлди.

Богот тўман босқичида, айниқса,
«Лойиҳа тақдимоти» ва «Сиёсий
ҳозиржавоблик» шартлари қизиқар-
ли ўтди. Якунда ҳакамлар хайъати
28-мактаб ўқитувчиси **Вазира Саи-
довани** биринчи ўринга лойиқ то-
пди.

— Кўрик-танловдаги иштироким
анчадан бери пишитиб юрган биз-

нес-лойиҳамни амалга оширишга
ёрдам беради, — дейди у. — Бундан
кейин ҳам партиямизнинг туманимиз-
даги энг фаол аёли номини оқлаш-
га, фаоллигим билан бошқаларга
ўрнак бўлишга ҳаракат қиламан.

Танловнинг тўман, шаҳар босқичи
барча ҳудудларда кўтаринки руҳ-
да ташкил этилган.

Гулшан АСАТОВА

■ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ
ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ ҲАЁТИДАН

Энг муқаддас бойлигимиз

**Мустақиллигимизнинг 25
йиллигига бағишлаб
партиямизнинг барча дара-
жадаги ташкилотлари жой-
ларда маданий-матрифий
тадбирлар, давра суҳбатла-
ри ўтказмоқда. Уларда
партия фаоллари, сиёсат-
чилар ҳамда кўпни кўрган
нуронийлар иштирок этиб,
истиқлолнинг қадр-қимма-
ти, халқимиз тақдирдаги
аҳамияти ҳақида фикр
билдиришмоқда.**

Ана шундай тадбирлардан бири
Қашқадарё вилоятида ўтказилди.
«Гўзал ва бетакроримсан, муқад-
дас Ватаним, жоним сенга фидо,
Ўзбекистоним!» шiori остида
ташкил этилган давра суҳбатда
партиянинг масъул ходимлари, ма-
ҳаллий Кенгаш депутатлари,
фаоллар ва ёшлар иштирок этди.

Истиқлол байрами арафасида
мамлакатимиз босиб ўтган йўлга
назар ташлаб, эришилган ютуқлар-
ни таҳлил қилиш аънаанага айлан-
ган. Холис фикр юритадиган
бўлсак, 25 йиллик тараққиёт йўли
ҳар соҳада юксалиш йиллари
бўлди. Энг катта ютуғимиз юрти-
миз тинчлиги, халқимиз оқилол-
талигидир. Тинч ва озод юртда юк-
салиш, бунёдкорлик тўғрисида,
элулус-хотиржам яшайди, дейишди
сўзга чиққанлар.

Ҳар бир инсон ўз ҳаёти мисо-
лида мустақиллик берган имконият
ва шароитларни англаб етса, мус-
тақиллигимизни мустаҳкамлаш,
уни асраб-авайлаш ҳамда Ватан
равнақига ҳисса қўиш, юрт тақ-
дирига дахлдорлик тўғрисида юк-
салади. Ташкил этилаётган тад-
бирларда эришилган ютуқларга
маҳлиё бўлиб қолмасдан, уларни
янада ривожлантириш лозимлиги
алоҳида қайд этилди.

Тарғибот ишлари кучаймоқда

Пойтахтимизнинг Яшнобод ту-
манида «Тарғиботчи — маҳалла-
да» лойиҳаси доирасида «Ижти-
моий барқарорликни янада мус-
таҳкамлаш — давр талаби» мав-
зусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Тошкент шаҳар партия
кенгаши масъуллари, депутатлар,
маҳалла фуқаролар йиғини раис-
лари, ёшлар ва кенг жамоатчилик
вакиллари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимиз-
да миллатлараро тотувлик ва ди-
ний бағрикенглик таъминланаётган-
ни, инсон қадр-қиммати улуғлана-
ётганини алоҳида таъкидлашди.

Бугун дунёнинг турли мамлакат-
ларида кечаётган мураккаб жара-
ёнлар, диний экстремизм ва тер-
роризм хавфининг тобора кучая-
ётгани ҳар биримиздан доимо огоҳ
ва ҳушёр бўлишни, юртимиздаги
тинчлик ва оқилолликни кўз
қорачигидек асрашни тақозо эта-
ди. Бундай фаровон кунларга осон-
ликча эришилмагани, тинчликнинг
қадрига етиб, уни асраб-авайлаш
ҳар биримизнинг бурчимиз экан-
лигини халқимизга, айниқса, ёш-
ларга тушунтириш лозим.

Тадбирда тарғибот ишлари да-
вомийлигини таъминлаш юзасидан
тавсиялар берилди.

Аброр ҚУРБОНОВ
тайёрлади.

БИЗДАН ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛСИН!

■ Уч йил муқаддам бу ерда «Дамас» машиналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилганди. Кейинчалик «Орландо» ҳам...



ТЕСТ СИНОВИ НАТИЖАЛАРИНИ

SMS орқали билиб олинг

Давлат тест маркази 1 августда олий таълим муассасаларига кириш учун тест синовларини топширган абитуриентларга яратилган қулайлик ҳақида маълумот тарқатди.

«Тест синовларида иштирок этган абитуриентлар диққати-га! Сиз 2016 йил 1 август кунги тест синовидида тўплаган балларингизни қулай ва тез билиб олишингиз учун Ucell, UzMobile, Beeline ва Perfectum мобил компанияларига уланган телефонлар орқали 5100 рақамига жавоб варақангиз рақамини SMS шаклида жўнатиш ва натижаларингизни билиб олинг», дейилади ДТМ эълонида.

5100 рақамига жўнатишган барча SMS хабарлар - \$0

5101 рақамидан келган барча SMS хабарлар - \$0,75

Азиз Шоҳакимов Австрияда энг яхши дирижёр, деб тан олинди

Австриянинг Зальцбург шаҳрида анъанавий ёш дирижёрлар танлови ўтказилди. Унда ҳамюртимиз Азиз Шоҳакимов иштирок этди. Пласидо Доминго бошчилигидаги ҳамма Азизни солиб деб эълон қилди, деб ёзади MyDay нашри.

Танловнинг мукофот жамғармаси 15 минг еврога ташкил этилди. Энди ўзбекистонлик дирижёр ўзининг лауреатлик концертини 2017 йил 5 август кунги Зальцбург шаҳрида Вена радиоси симфоник оркестри билан биргаликда тақдим этади.

Азиз Шоҳакимов 1989 йилда Тошкентда туғилган. В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ҳамда Ўзбекистон давлат консерваториясини тамомлаган.

Бунга қадар Азиз Шоҳакимов Малер номидаги дирижёрлар халқаро танловида солиб бўлган. У ҳозирда Deutsche Oper am Rhein (Райндаги немис операси театри, Германия)да дирижёрлик қилмоқда. 2012 йилга қадар эса Ўзбекистон Миллий симфоник оркестрининг бош дирижёри сифатида фаолият кўрсатган.


БУХОРОДА ҚОВУН САЙЛИ

Жорий йилнинг 11-14 август кунлари Бухоро шаҳрида «Табаррук замин саховати» номи аънавий қовун ва асал сайли ўтказилади.

Ушбу сайл 1996 йилдан бери ўтказилиб келинмоқда. Унда «Амири», «Баргинай», «Бўриқалла», «Гулоби», «Қукча», «Шерози» каби қовунлар намойиш қилиниб, уларнинг энг ширин навларини саралаш бўйича танлов ўтказилади.

Шунингдек, сайл доирасида махсус концерт дастури, фольклор ансамбллари-нинг чиқишлари ташкил этилади.

Тадбир сўнггида танлов ғолиблари турли қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади, дея хабар беради «Ўзбектуризм» МК матбуот хизмати.



МУСТАҚИЛЛИК МЎЪЖИЗАЛАРИ

...Бундан чорак аср муқаддам бу тепаликдан тўрт томонга назар ташласангиз, поёнсиз пахтазорлар, кўримсиз қишлоқ уйлари ва шиддат билан оқаётган асов дарёга қўзингиз тушарди...

Энди-чи?

...Бугун яна ўша тепаликда. Хоразмнинг энг чеккаси — кунчиқар томонидаги асрий Питнак қирлари қоқ марказидаги Чингизтепага бу гал меҳмонларни бошлаб келдим. Пойтахтлик ҳамкасбларимиз уч кунлик саёҳат давомида кўрганлари — истиқлол туфайли тамоман яшарган шаҳарлар, уларда олиб борилган улкан бунёдкорлик, ободончилик ишлари борасидаги факт-рақамларни ён дафтарчаларига ёзиб олишарди.

Уларга воҳанинг энг чекка ҳудудини кўрсатгани келди. Чингизтепага кўтариламиз. Бир зумда атроф мисли кафтдагидек қўринадди. Навбати билан чор атрофни кўрсатиб, изоҳ берарман: «Аввалида биз йўл босиб келган томонга бир назар ташлайлик. Уйлари бир-бирига туташиб кетган Янгибозор қишлоғида томи шифер қилинмаган бирорта уй қолмаган. Шундоқ қарасангиз, ўзингиз гувоҳ бўласиз. Бундан ўттиз-ўттиз беш йиллар аввал қишлоқда ўзига тўқ икки-уч кишининг уйлари томлари шифер қилинган. Томни шифер қилиш бадавлатлик белгиси эди-да. Ўйлаб қарасангиз, қулгингиз қис-тайди. Унда ҳам қулранг шиферлар бўларди, холос. Энди қаранг, турлича: оқ, кўк, қизил рангдаги томлар қишлоққа ўзгача кўрк бериб турибди. Асосийси, хонадоннинг иқтисоди томини шифер қилиш билан белгиланадиган даврлар ўтиб кетган. Иморатлар икки ва уч қаватли, пишган гиштдан тикланмоқда. Меъморий ечими ўзгача — шарқона...

Хамроҳларимиздан бири жануб томондаги улкан, маҳобатли бинони кўрсатди: «Бу бирор саноат корхонасими?»

Ҳа, дейман унга гурур билан. «Хоразм шакар» акциядорлик жамияти қўшма корхонаси. Атиги йигирма йил олдин бу ерлар яйдоқ чўл эди. Қисқа фурсатда улкан саноат мажмуаси бунёд этилди. Ҳозир-да бу ерда бир ярим мингдан зиёд йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Бир кеча-кундузда корхона салкам минг тонна шакар ишлаб чиқаради ва юртимизнинг барча вилоятларига жўнатилади. Маҳсулотни ташишда қулайлик бўлиши учун корхонага темир йўл ҳам

бу ерда «Дамас» енгил машиналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Кейинчалик «Орландо» машиналари ҳам корхона конвейерларидан чиқиб, истеъмолчиларга етказилиб берила бошланди. Бугунги кунда бир қисмини шу ернинг ўзида тайёрлаш мақсадида катта-кичик корхоналар ишга тушди. Ҳозир бу даргоҳда бир ярим мингдан зиёд ёш ишламоқда. Ҳар кунги корхонада замонавий русумдаги ўнлаб машиналар йиғилиб, мижозларга етказила-япти. Корхонага ёндош майдонда эса намунали турар-жойлар қад ростламоқда.

Дарвоқе, хамроҳларим нигоҳини бир зум улкан мажмуадан сал бериқоқда-га яна бир кичик шаҳарчага қаратаман: «Бир-биридан чиройли, мисли илға тизил-гандек уйлارга қаранглар! Булар намунали турар-жойлар.

Олдинлари бу ерлар яйдоқ бир қир эди. Энди-чи «Обод» деб аталувчи шаҳарчага айланди. Ҳозирча бу ерда икки юзга яқин намунали турар-жой қад ростлади. Булар ҳаммаси сўнгги уч йил ичида тикланган уйлар».

Хамроҳларим тепаликдан кафтдагидек кўриниб турган манзаралардан ҳайрат туюшарди...

Энди фахр билан уларнинг нигоҳини шимол томонга — дарё ўзанига бураман. Айнан шу манзилда ўзар дарё қадим қирни ёқалаб оқди, унинг соҳил-ларига аёвсиз ҳамла қилди. Ишбилармон деҳқонлар, соҳибкорлар тепалик гарчи дарё ўзанидан эллик метрлар баланликда жойлашган бўлса-да замонавий қудратли насослар ёрдами-да сув чиқариб, бу манзил-ларни боғ-роғларга айлан-тиришган. Ям-яшил узум-

шу кўприк ҳақида. Собиқ шўролар даврида Амударёнинг қуйи оқимида, икки қирғоқни бирлаштирувчи бирорта ҳам кўприк йўқ эди. Икки соҳилда минг йилларки яшаб келаётган кишилар ўзаро яқин қула-анда бўлиб кетишган. Туймаърақалари бир. Шу бо-ислан ёз, баҳор ойларида дарё кечиб минг азоб эди. Кўч-кўрони билан кичик қайиқларда дарё оша-ди. Қиш ойларида, дарё музлаганда эса уловлари билан тўғри муз устидан ўтишарди. Бу табиат билан даҳшатли бир курашга — ажал ўйинига ўхшарди. Муз синиб кетиб, дарё қаърига фарқ бўлганлар қанча...

Бундан ўн йил муқад-дам узунлиги 690 метрлик ҳам машиналар, ҳам поездлар қатнови учун мўлжалланган «Мискин — Ҳазорасп» кўприги бунёд этилди. Кейинчалик, воҳа-

«Навоий — Конимех — Мискин» тезювар поездла-рига мўлжалланган темир йўлнинг қурилиши. Режага кўра, бу темир йўл кейин-ги йили ишга тушади, шун-да пойтахтимиздан воҳага ўн соат ичида етиб келса бўлади...

«Биз истиқлол йиллари-да катта шаҳарларда амал-га оширилган бунёдкор-ликлар ҳақида кўп гапира-миз. Юртимизнинг энг чеккаси — Хоразмнинг бизлар муқаддам «қишлоқ тумани» деб ёзишга одат-ланиб қолган бир гўшаси-да шунча ишлар амалга оширилибди, — деди меҳ-монлардан бири. Асрларга татигулик иш, деб мана шунга айтса бўлади. Шу-лар ҳақида гапириш керак, ёзиш керак!

Беш қақиримча масофа-да бир-биридан ҳайратла-нарли учта мўъжизани кўриб, ҳайратланасан, ки-ши!»

Унинг гапини бошқа бир хамроҳим тузатади: «Учтамас, бешта, йўқ ол-тита мўъжиза кўрдик. Ша-кар заводи бир, «Дамас» за-води икки, кўприк уч! Қирдаги икки шаҳарча-чи? Темир йўл-чи? Учи-қир ийқ мана бу боғлар-чи? Қишлоқдаги икки-уч қа-ватли иморатлар-чи?...»

Ўзаро баҳслашамиз, тор-тишамиз.

Ниҳоят, баҳсга нуқта қўйишга уринаман: «бундан чорак аср муқаддам бу ман-зилда фақатгина биз тур-ган мана шу тепалик бор эди. Узоқ-яқиндан одамлар айнан уни кўргани кели-шарди...»

Хамроҳларим савол на-зари билан менга тикили-шади.

Фикримни яқунлайман: «мана шу биз турган тепа-лик ва у ҳақидаги афсона — ривоят кўпчилиги учун қизик эди. Эндиликда бу тепалик ён-атрофдаги ўнлаб мўъжизаларни томо-ша қилиш учун восита бўлиб қолган, холос...»

...Энг чекка ҳудудда қисқа фурсатда яратилган бир-биридан гўзал, бетак-рор мўъжизалар оғушида бўлган хамроҳларимни ту-ман марказига бошлаб ке-ламан. Тарихи салкам уч минг йилга тенг қадим Сулаймон қалъа меъморий ёдгорлиги атрофидаги бунёдкорликлар — қадим қалъани қайта тиклаш, сайёҳлик масканига айлан-тириш мақсадида олиб бо-рилаётган ишлар тўғриси-да ҳам сўзлаб беришим ке-рак.

Бу энди навбатдаги мўъжиза!

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Леонид Кудряков олган сурат.

...Ҳали шакар корхонаси, унинг атрофидаги шаҳарча ҳақидаги мухтасар изоҳларим поёнламай хамроҳларим назари шарқ томондаги янада улканроқ иншоот — Питнак шаҳрига кираверишда бунёд этилган «ЖМ Ўзбекистон» қўшма корхонаси мажмуасига тушади.

зорлар, олмасорларнинг чеки йўқдек гўё. Уфққа до-вур туташган бу боғлар ора-лиқларида икки-уч қават-ли чиройли қўшқлар кўзга ташланади. Бу боғбонлар-нинг ёзги дала ҳовлилари. Атиги чорак аср илгари яп-йайдоқ дашт бўлган макон-да салкам минг гектарлик боғ яратилган...

Боғлар ортидан дарё кўприги кўзга ташланади. Навбатдаги ҳикоямиз айнан

марказида «Беруний — Ур-ганч» кўприги ҳам қурил-ди. Икки соҳил минг йил-лардан сўнг — истиқлол боис мустақкам ришталар билан боғланди. Ана ўша дарёда илк бора қурилган мухташам кўприк!

...Хамроҳларим нигоҳ-лари дарё ортида давом эта-ётган қурилишларга туша-ди. Улкан машиналар, осмонўпар кранлар яққол кўриниб турибди. Бу —

ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁ

ПЕКИН 2020 ЙИЛГА БОРИБ

заҳарли тутунлардан қутулмоқчи

Хитой пойтахти маъмурияти заҳарли тутун ва газлардан 2020 йилга келиб батамом ха-лос бўлишни режалаштирмоқ-да.

«Хавонинг сифатини кузатиб бораёмиз. Ўтган йили бир куб метр ҳаводаги РМ 2,5 заҳарли зарралари 61 микрограммни ташкил этган эди. Келгуси йили бу рақам 50 микрограммга ту-шади, 2020 йилда эса меъёрга келади», деб ёзмоқда «Бэйцзин циннянь бао» газети сайти.

Бу муаммони кўмирдан фой-даланишни қисқартириш ва дов-дарахт сонини кўпайтириш эвазига ҳал этиш режалашти-рилмоқда.

Наширнинг қайд этишича, шаҳар ҳокимияти ушбу мақсад учун 16,5 млрд юань (2,57 млрд долларга яқин) маблағ ажрат-ган. Дастурда экологик талаб-ларга мос келмайдиган эски транспорт воситаларини ал-маштириш ҳам кўзда тутилган.

3 МИНГ ЙИЛЛИК

қабрда қимматбаҳо буюмлар аниқланди




Гётеборг университетининг археологлари Кипрдаги қазил-ма ишлари давомида мазкур оролда топишган, катта бойлик — бронза асрига мансуб 3000 йиллик қабри аниқланди, деб хабар бермоқда ТАСС ахборот агентлиги.

Мутахассисларнинг фикри-ча, топила оилавий қабристон бўлиб, у ерга 9 нафар катта ва 8 нафар кичик ёшдаги инсон-лар дафн этилган. Қонунга кўра, топишган буюмларни Кипрдан олиб чиқишга рухсат берилма-ди. Топилмалар ўрганилиб, тах-лил қилинмоқда. Шундан сўн-улар Никосия ёки Ларнака му-зейига топширилади.

Хабарда айтилишича, экспе-диция гуруҳи топишмаларнинг бир қисмини мамлакатдан ташқарига олиб чиқиб, чуқур-роқ тадқиқ қилиш учун Кипр расмийларига мурожаат қилган.

ДЕНГИЗ БЎРОНИ

17 минг тонналик бўғулаш платформасини жойидан силжитиб юборди



Кучли денгиз бўрони Шот-ландия соҳиллари яқинида ўрнатилган нефть қазиб олиш платформасини жойидан қўчи-риб юборди, деб хабар қилмоқ-да rigzone.com сайти.

Ходиса 8 августга ўтар ке-часи Льюис ороли соҳилбўйи ҳудудида содир бўлган. Денгиз бўрони вақтида нефть платфор-маси буксирдан узилиб кетган ва маҳаллий қишлоқ яқинидаги савёзликда туриб қолган. Ушбу воқеада ҳеч ким жабрланмаган.



Давлат дастури амалда

Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабаси уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши ва тизимдаги бошланғич касабаси уюшмаси ташкилотлари томонидан «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирлар ижросини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 1-ярмида тармоқ касабаси уюшмаси томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ишловчи аёллар манфаатлари ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилди. Тармоқдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилишга бағишланган тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали ёш оилаларга уй-жой сотиб олиши учун дастлабки бадалларни тўлашлариغا қўлдош берилди. Шунингдек, тизимда меҳнат қилаётган ходимлар ва улар фарзандларининг ижтимоий ҳимоясини қўлайлаштириш, санаторий ва оромгоҳларда соғломлаштириш ишлари амалга оширилди.

Бундан ташқари, Урганч шаҳар тармоқ касабаси уюшма кенгаши тизимидаги қирувчи бошланғич касабаси уюшма ташкилотларининг барчасида «Аёл борки олам мунаввар» мавзусидаги тадбирлар, «Касабаси уюшмалари — хотин-қизларга», «Касабаси уюшмалари — болаларга» акциялари доирасида маданий-маърифий тадбирлар, учрашув ва суҳбатлар ташкил этилиб, уларда 1000 дан ортиқ хотин-қиз иштирок этди.

Биргина «Касабаси уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида Урганч шаҳар кенгаши томонидан соҳа ходимлари фарзандларидан 140 нафарининг тарихий шахарларга саёҳатлари ташкил этилган бўлса, юзлаб болажонлар учун маданият ва истироҳат босқичларида кўнгилочар тадбирлар уюштирилди.

Янги дори ихтиро қилинди

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академик Обид Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти ходимлари жароҳатларни нисбатан тез даволайдиган препарат яратдилар. У тиббиёт ва фармацевтикада фойдаланилади. Бу ҳақда Интеллектуал мулк агентлиги матбуот хизмати хабар бермоқда.

Мазкур институт олимлари олдинги йирингли, яллиғланувчи касалликларни даволаш самарадорлигини ошириш учун дори ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган. Мутахассисларнинг фикрича, бу вазифа тўлиқ удаланган.

Муаллифлар — Юлия Ошепкова, Донора Казанцева, Ольга Вешкурова ва Шавкат Солихов ушбу ихтиро учун ИАП 05240 рақамли патент олдилар.

ОЛИМПИАДА — 2016

■ Боксчимиз Ҳасанбой Дўсматов ярим финалда америкалик Мигель Нико Хернандес билан куч синашди ва ишончли галабага эришиб, финалга йўлланма олди.

БОКСЧИЛАРИМИЗДАН УМИДИМИЗ КАТТА



Бутунжаҳон универсиадаси чемпиони ва Осиё чемпионати совриндори Ҳасанбой Дўсматов (49 кг) ярим финал йўлланмаси учун кечган жангда қозғистонлик Биржан Жакипов устидан ишончли галаба қозонди. Кеча Ҳасанбой ярим финалда америкалик Мигель Нико

Хернандес билан куч синашди ва ишончли галабага эришиб, финалга йўлланма олди.

Яна бир «чарм қўлқоп» устаси Рустам Тўлаганов (91 кг) ҳам чорак финалда озарбайжонлик Абдулқодир Абдуллаевни енгиб, медаллар учун курашни давом эттирадиган

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида қизғин давом этаётган XXXI ёзги Олимпия уйинларида боксчиларимиз муваффақиятли иштирок этишмоқда.

бўлди. Энди у ярим финалда россиялик Евгений Тищенкога қарши рингга чиқади.

Хуршид Тожибоев (60 кг) Жосеф Кордина (Буюк Британия)ни катта устунлик билан енгди ва чорак финал йўлланмасини қўлга киритди. Лекин у ярим финал йўлланмаси учун мезбонлар вакили Робсон Консейсао билан бўлган жангда имкониятни бой берди.

Мусобақанинг 1/16 финал босқичида ҳамюртимиз Фазлиддин Ғойибназаров (64 кг) конголик Дивал Малонгани техник нокаутга учратди. Фазлиддиннинг нимчорак финалдаги рақиби ҳиндистонлик Манож Кумар бўлади.

Шахрам Ғиёсов (69 кг) эса литвалик боксчини енгди, чорак финалда йўлланма олди. У навбатдаги учрашувни кубалик спортчи билан ўтказди.

Аёллар ўртасида илк маротаба рингга чиққан Ёдгорой рақибига очколар ҳисобида кичик фарқ билан ютқазди. Аммо ҳамюртимизнинг хатти-ҳаракатлари мутахассису мухлисларда илқ таассурот қолдирди.

Кеча олимпиада дастуридан жой олган бир қатор спорт турлари бўйича баҳслар давом эттирилди. Унда ҳамюртларимиз дзюдо, бокс, енгил атлетика, трамполин бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Жумладан, дзюдо беллашувларида мамлакатимизнинг номдор полвони, Пекин олимпиадаси кумуш медали совриндори Абдулла Тангриев (+100 кг) саралаш беллашувларида дастлаб самоалик Дерек Суа, руминиялик Даниэл Нателарни енгди. Чорак финалда Қирғизистон вакилини мағлубиятга учратди. Ярм финалда Япония вакилига ютқазиб қўйди. Бронза медали учун бўлган учрашувда эса бразилиялик спортчида енгилди.

Енгил атлетика бўйича Екатерина Воронина, Ситора Ҳамидова, Екатерина Тунгускова, Нигина Шарипова, трамполин баҳсларида Пекин олимпиадаси бронза медали совриндори Екатерина Хилько майдонга тушди.

Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири.

МАКТАБ ЯРМАРКАСИ

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам мактаб ярмаркалари иш бошлади.

АРЗОН ВА СИФАТЛИ

Кейинги йилларда анъанавий ташкил этиб келинаётган мазкур тадбир ўқувчилар учун сифатли ва арзон ўқув қуроллари, кийим-кечак харид қилишда ота-оналарга қўлайлик яратмоқда. Шаҳар ва туманларда ташкил этилган мактаб бозори ва ярмаркаларда 26 турдаги ўқув анжомлари савдоси йўлга қўйилди. Ўқув қуролларининг сифати, дизайни ўқувчи диди ва дунёқарашига мос, танлаш имконияти кенг. Ярмаркаларда юртимизда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар арзон нархларда сотилаётгани ота-оналарни хурсанд қилмоқда.

Барча бозор ва савдо мажмуаларида, туманлар марказидан узоқда бўлган 114 умумтаълим мактабида шундай ярмаркалар фаолияти йўлга қўйилди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Зикрилло Тешабоев. — Ушбу савдо нуқталари орқали вилоятдаги 916 умумтаълим мактабида тахсил олувчи 500 мингдан зиёд ўқувчи зарур дарслик, ўқув қуроллари ва кийим-кечаклар етказиб бериш режалаштирилган. Бунинг учун савдо корхоналари ва тадбиркорлар билан шартнома тузилиб, керакли миқдордаги ўқув қуроллари, мактаб формалари савдога чиқарилмоқда.

Мактаб ярмаркаларида юртимизда ишлаб чиқарилган кенг турдаги маҳсулотларни кўриш мумкин. Уларда турли қанцелярия маҳсулотлари, китоб ва дарсликлар, болалар кийим-кечаги, мактаб формаси, пойабзал, спорт кийимлари, сумка ва портфеллар тақдим этилган.

Олтириқ туманида ҳам бозор ва 1, 2, 13, 17, 20, 23-умумтаълим мактаблари ҳамда касб-хунар коллежларида савдо ярмаркалари ташкил этилди. Туман «Дехқон бозори» масъулияти чекланган жамияти ҳудудида очилган мактаб ярмаркасига ўндан зиёд тадбиркор жалб этилиб, белгиланган маҳсулотлар савдоси йўлга қўйилган. Савдо нуқталарининг терминал, назорат касса аппарати ва бошқа зарур воситалар билан таъминлангани аҳолига манзур бўлмоқда.

Фарзандларимиз учун барча зарур ўқув қуроллари, кийим-кечак ярмаркада бор экан, — дейди Катпут қишлоғида истикомат қилувчи Эргашали Ҳайдаров. — Олган буюмларимизнинг сифати ҳам, нархи ҳам бизга маъқул. Энг муҳими, бозор айланиб маҳсулот излаб юрмадик. Ҳаммасини бир жойдан харид қилдик. Бундай қўлайлик учун давлатимиз раҳбаридан миннатдоримиз.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири.

2016 йил — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

Андижонда «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида ўтказилган аёллар спорт фестивалида 17 жамоа иштирок этди.

ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ НАМОЙИШИ

«Гўзал ва бетақдоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шiori остида вилоят хотин-қизлар кўмитаси, касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида спорт, айниқса, болалар ва хотин-қизлар спортини ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор жисмонан ва маънан соғлом авлодни вояга етказишда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Вилоятда 4 мингдан зиёд спорт мажмуаси фаолият кўрмоқда, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Манзура Юнусова. — Хотин-қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча қўлайлик яратилган. Айни пайтда вилоятда 20 мингдан зиёд хотин-қиз спорт билан мунтазам шуғулланмоқда, 115 мингга яқин оммавий спорт турларида жалб этилган. Бу оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги ишлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда. Мазкур фестивалнинг маҳаллалар, меҳнат жамоалари, туман ва шаҳар босқичларида 95 мингга яқин хотин-қиз иштирок этгани фикримиз тасдиғидир.

Балиқчи тумани вакиллари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди. Пахтабод тумани жамоаси иккинчи, Андижон шаҳри жамоаси учинчи ўринга сазовор бўлди.

Ғолиблар ва бир қатор номинациялар совриндорлари ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.

РЕКЛАМА



XALQ BANKI

STANDARD & POOR'S
RATINGS SERVICES

халқаро рейтинг агентлиги
2016 йил август ойида

Ўзбекистон Республикаси
акциядорлик тижорат Халқ банкининг
халқаро кредит рейтингини

В/В

БАРҚАРОР

даражасида тасдиқлади

Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV	Saidkamol XODJAYEV	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	Muslihidin MUHIDDINOV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV		Tat'yana KISTANOVA
		(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 859
8858
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21:00
Topshirilgan vaqti — 01:45
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 5